

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.

**А.Г.Муминов**

*Сиёсий фанлар доктори,*

*ЎЗМУ профессори.*

Муқаддас китобимиз бўлмиш Қуръони каримнинг бир неча жойида Инсон зоти муқаррам қилиб яратилганлиги ҳақида мисоллар келтирилган:

“Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу-муқаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу денгизда (улов билан) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар билан ризқлантирдик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик”.

Яратганда ҳам Аллоҳ таоло яққа қилиб яратмади, балки турли хил миллатлар қилиб яратди бу ҳақида қуйидаги оятда зикр қилинган:

“Эй Одамлар, биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик... Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир”.

Ислом таълимотига кўра, бутун башарият жинси, ирқи, ранги, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барчаси баробардир.

Бу борада Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ўзларининг муבורак бир ҳадисларида: «*Инсонлар тароқ тишлари каби тенгдирлар. Арабнинг бошқа халқлардан, оқнинг қорадан, эркакнинг аёлдан устунлиги йўқ. Фақат, тақвода холос*», деб марҳамат қилганлар.

Қуръони карим «Рум» сураси 22-оятига кўра, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар Худонинг мўъжизаларидандир. Аллоҳ дастлаб одамзотни бир ота ва бир онадан яратди, сўнгра уларни турли миллат ва элат ҳамда халқларга ажратишни ирода қилди.

Бундай ранг-барангликдаги ҳикмат эса, умумий фаровонлик йўлида халқлар бир-бирлари билан мусобақа қилмоқлари, ҳамжихат ва иноқ яшамоқлари, ҳамда ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиб ўз ютуқларини бир-бирлари билан баҳам кўришларида намоён бўлади.

Бир неча асрлар аввал муқаддас китобларда дунёдаги турли-туманлик Яратганнинг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқлиги, халқларнинг тенглиги тўғрисидаги ғоялар ҳозирги кунга келиб жиддий синовдан ўтаётганлигини гувоҳи бўлиб туримиз.

Кундалик амалиёт миллатлараро жамиятни шакллантириш, айниқса, унинг барқарорлигини таъминлаш осон иш эмаслигини кўрсатмоқда. XX асрда ҳам XXI аср бошларида ҳам миллатлараро муаммоларнинг долзарблиги пасайгани йўқ. Аксинча, сайёрамизни янги жаҳон тартиботи шаклланаётган шароитда бу муаммолар баъзи минтақаларда янада кескин тус олди. Қолаверса, замонвий терроризм кишиларнинг миллий ҳиссиётларига таъсир этиб, турли хуружларни амалга оширишга интилмоқда. Ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро

кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний мурасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда.

Айни чоғда айрим Ғарбий Европа давлатларида меҳнат миграциясининг фаоллашуви натижасида ёшларнинг миллатчилик ва экстремистик гуруҳларининг ҳатти – ҳаракатлари, бир томондан, ушбу мамлакатларда турли миллат вакиллари ўртасидаги муносабатларни чигаллаштирмоқда, иккинчи томондан эса, камчиликни ташкил этувчи миллат вакиллариининг ижтимоий–маданий мослашуви ва интеграциялашувини қийинлаштирмоқда.

Бу жараёнлар миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муаммоларнинг глобал тус олаётганини намоён қилиш билан бирга уларни жиддий тадқиқ этиш ҳамда сиёсатчилар диққат–эътиборини қаратиш ғоят муҳим аҳамият касб этаётганини тасдиқлайди.

Маълумки, ҳозирги давлатлар асосан икки турга - полиэтник ва моноэтник давлатларга бўлинади. Аниқланишича, сайёрамизда ўзининг бетакрор маданий ва маънавий қадриятларига эга бўлган 3 мингга яқин этник гуруҳ яшайди.<sup>46</sup> Ҳозирги вақтда жаҳонда миллат, улар ўз навбатида, инсониятнинг ўрта ҳисоб билан 96 фоизини бирлаштирган ҳамда атиги 4 фоизгина элатлар ва қабилалардан иборатдир<sup>47</sup>. Лекин мавжуд этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмас.

Дунё сиёсий харитасида атиги икки юзга яқин давлат борлиги ҳам этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмаслигининг далилидир.

Ўз давлатига эга бўлмаган халқлар сифатида: Курдлар тахминан 38 млн.; Сикхлар тахминан 20 млн.; Басклар тахминан 17,5 млн.; Лўлилар тахминан 10 млн.; Фаластинлар тахминан 9,6 млн.; Каталонлар тахминан 9 млн.; Тибетликлар тахминан 5,4 млн.<sup>48</sup> ларни келтириш мумкин.

Бундай ҳолат давлат ичида марказдан қочувчи кучларнинг пайдо бўлиши ва ажралиб чиқиш кайфиятини кучайишига, охир оқибатда эса давлатнинг яхлитлигига реал хавф туғдиришига олиб келади. Буни АҚШ даги Техас, Испаниядаги Каталония, Канададаги Квебек каби худудларда сепаратистик кайфиятларнинг кучайиши мисолларида кўриш мумкин.

Марказий Осиёга келсак, туб халқларнинг вакиллари минтақанинг бешта давлатида ҳам учратиш мумкин. Мамлакатларимиз аҳолисининг кўпчилик қисми ўзбеклар, козоқлар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар, уйғурлар ва бошқалардан, яъни бир хил гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг фақат нисбати ўзгаради. Масалан, Марказий Осиё мамлакатлари бўлмиш Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида, Қирғизистоннинг Ўш вилояти жанубида, Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида, Туркменистоннинг Тошхөвүз вилоятида ўзбеклар жам бўлиб яшайдиган

<sup>46</sup> [https://foxford.ru/wiki/geografiya/etnicheskii-sostav-naseleniia?utm\\_referrer=https%3A%2F%2Fwww.google.com%2F](https://foxford.ru/wiki/geografiya/etnicheskii-sostav-naseleniia?utm_referrer=https%3A%2F%2Fwww.google.com%2F)

<sup>47</sup> Мустақиллик. Изоҳли илмий - оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2009. – 212-бет.

<sup>48</sup> Дунё. Сиёсат. Жамият. Гулистон, “Зиё” нашриёти. - 2015. – Б. 73.

худудлар, Тошкент ва Жиззах вилоятларида қозоқлар яшайдиган катта-катта майдонлар, Қозоғистоннинг шимолида асосан руслар яшайдиган вилоятлар мавжуд.

Минтақада кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларнинг мавжудлиги бизлардан миллатлараро муносабатларга ниҳоятда эътиборли бўлишни талаб қилади. Зеро, давлатларга ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар мустаҳкамлиги, уйғунлиги ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бирига айланиб бораётганлигини дунё миқёсидаги мисолларда яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон давлатининг миллий сиёсати ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ва барқарорликни таъминлаш, мустақиллик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида ишонч, ҳамкорлик, маънавий бирлигини сақлаш, турфа шаклли, шу билан бирга, яхлит маданий маконни юзага келтиришда таъсирчан, самарали механизмга айланаётганидан далолат беради. Бинобарин, бундай маконда ҳар қандай этник жамоа вакиллари тенг ижтимоий-ҳуқуқий мақомга эга бўлиши уларнинг миллий анъана ва тарихий қадриятларга таянган ҳолда барқарор ривожланиши, маънавий ўзлигини сақлаб қолишига имконият яратади.

Қолаверса, Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва барқарорлик ўзининг чуқур тарихий ва ижтимоий-маданий илдизларига эга экани, амалга оширилаётган миллий сиёсат эса миллий масаланинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилаётгани, бағрикенглик тамойилларига асосланган маданиятлараро коммуникацияларни уйғунлаштириш борасидаги ишлар тизимли равишда олиб борилаётгани туфайли мамлакатимизнинг бу борадаги тажрибаси жаҳон ҳамжамияти учун фойдали бўлиши мумкин.